



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 10 сентябрь, сешанба, №100 (3446).

Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ:

КЎЧМАНЧИЛАР

ТАМАДДУНИ ЖАҲОН
ТАРИХИДА ЎЧМАС ИЗ
ҚОЛДИРДИ



"АСТАНА АРЕНА" ЎЙИНҒОҲИДА
V БУТУНЖАҲОН КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИНИНГ
ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ЎТДИ



Тадбирнинг нуфузли меҳмонлари орасида Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қирғизистон Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Туркменистон Халқ кенгаши Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Татаристон Раиси Рустам Минниханов, Саха Республикаси раҳбари Айсен Николаев, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаяр бор.

Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг очилиш маросими-га 20 минг томошабин йиғилди.

Давлат раҳбари Қ. Тўқаев V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларини тантанали равишда очди.
– Бешинчи Бутунжаҳон кўч-

манчилар ўйинларига хуш келиб-сиз! Қардош давлатлар раҳбарларига миннатдорчилик билди-раман. Нуфузли меҳмонлар ва спортчиларга чин дилдан раҳ-матимни, олқишимни айтаман. Кўчманчилар тамаддуни жаҳон

тарихида ўчмас из қолдирди. Буюк Дашт кўчманчилари бепойён Евроосиёда қадимдан яшаб келган, улар жаҳон тараққиёти жараёнига туб ўзгаришлар олиб келган. Ўша давр илғор технологиясининг кашфиётчиси бўлди. Кўчманчилар отни беш минг йил олдин ҳонақилаштиришган. Дунёни ларзага солган чавандозлар маданиятини яратди, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларини расман очар экан.

«Қазақстан», «Қазспорт», «Хабар», «Ел арна», «Jibek Joly», «Silk Way», «Sport Plus» каналла-

ри, Туркиянинг TRT AVAZ канали, Қирғизистоннинг 5 канали, халқаро «Мир», «Мир 24» каналлари, Россиянинг «Старт LIVE» канали, Татаристоннинг «ТНВ Қазан» телеканаллари, Ўзбекистон ва Туркменистон давлат каналлари жонли эфирда намоиш қилмоқда.

Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлигининг маълум қилишича, Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари тарихида бундай кенг қўламли халқаро телекўрсатув биринчи марта амалга оширилмоқда.

Akorda.kz

ИССИҚХОНАЛАР – ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИДА 7 МИНГ КИШИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИГАН ИССИҚХОНА БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Келес туманида мамлакатдаги энг йирик иссиқхона мажмуаси барпо этилмоқда. 500 гектардан ортиқ майдонга эга мажмуада йилга 240 минг тонна сабзавот етиштирилади. Туркистон вилояти ҳоқими Дархан Сатибалди йирик лойиҳани амалга ошираётган «Эко-культура» холдинги президенти Александр Рудаков раҳбарлигидаги сармоядрлар билан аграр соҳадаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Ҳозир Келес туманидаги 51 гектар майдонда лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилмоқда. У келгуси йилда ишга туширилади. 7 минг киши иш билан таъминланади. Сармоя миқдори – 524 миллиард тенге. Учрашувда томонлар қатор қўшма лойиҳаларни муҳокама қилдилар.

Туркистон вилояти республика аҳолисини мева-сабзавот билан таъминловчи асосий минтақа ҳисобланади. Вилоятда 2 минг гектар майдонда 3 мингдан ортиқ иссиқхона ёки республикадаги иссиқхоналарнинг 71 фоизи мавжуд. У ерда 12 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Бу соҳага йўналтирилган сармоялар ҳажми 7 баравар ошди.

«ЭКО-культура» 13 йилдан буён барқарор ривожланиб, иссиқхоналарда экологик тоза сабзавот етиштирувчи йирик агросаноат холдингларидан биридир. Бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 300 минг тоннадан ошади.

24.kz

Мажлисида ўтган «AMANAT» партияси фракциясининг йиғилишида депутатлар ёзги мавсумда ҳудудларга ташриф чиқиш чоғида сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларни муҳокама қилди.

Кўпгина минтақаларда тез-тез кўтарилган муаммолардан бири вақт минтақасини қайта кўриб чиқиш мавзуси эди. Муҳокама яқунлари бўйича мазкур масалани жамоатчилик таклифини инobatга олган ҳолда, манфаатдор давлат органлари ва экспертлар ҳамжамияти вакиллари иштироқида бўлиб ўтадиган Мажлисининг навбатдаги ялпи мажлисларидан

ВАҚТ ОРҚАГА ҚАЙТАРИЛАДИМИ?

ВАҚТ МИНТАҚАСИ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТЛАР ВА ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИ МАЖЛИСГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

бирида кўриб чиқишга қарор қилинди.

Шу муносабат билан бир қатор депутатлар Шарқий Қозоғистон, Ақмўла, Павлодар, Шимолий Қозоғистон, Абай ва Жетису вилоятлари аҳолисини ўйлантираётган долзарб масалалардан бири UTC+5 вақт шаклига ўтиш эканлигини таъкидладилар. Учрашувларда фуқаролар томонидан депутатларга айнан

шу муаммо – ярим тунда тонг отиши, одатдагидан анча эрта қоронғу тушиши туфайли юзага келаётган ноқулайликлар ҳақида кўплаб далиллар келтирилди. Буларнинг барчаси одамларнинг кундалик ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Бу борада депутатлар Луқбек Тумашинов, Ринат Заитов, Юлия Кучинская, Даулет Муқаев, Нуртай Сабильянов, Асхат Айма-

гамбетов, Дуйсенбай Турганов ва бошқа фуқаролар ўз фикрларини билдирди.

Фракция депутатлари ушбу мавзу атрофидаги жамоатчилик шов-шувини инobatга олган ҳолда, муҳокамалар натижасида келгусида депутатлар иштирокида ўтказиладиган Мажлисининг ялпи йиғилишларидан бирида манфаатдор давлат органлари, олимлар, экспертлар ва ҳудудий вакиллар иштирокида соат минтақасини ўзгартириш масаласини очиб кўриб чиқишга қарор қилдилар. Мажлис яқунлари бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга тақдим этиш режалаштирилган.

24.kz

Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Одатдагидек, жаҳон нашрлари Қозоғистон ҳақида кўп ахборотлар тарқатди. Жумладан, мамлакатда атом электр станциясини қуриш бўйича референдум ўтказилиши тилга олинди. Ва бошқа кўплаб янгиликлар эълон қилинди. Батафсил қуйидаги шарҳимизда ўқий olasiz.



CentralAsia:
Қозоғистонда АЭС қуриш бўйича референдум ўтказиладиган сана белгиланди

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев навбатдаги Мақтубида референдумнинг 6 октябрь куни ўтишини айтди. АЭС бўйича умумхалқ овоз бериш гоёси ўтган йили таклиф қилинган эди.

Қ. Тўқаев Қозоғистон иқтисодиётининг жадал ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун атом энергетикасини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади. У Американинг 200га яқин атом электр станциясига эга 30га яқин штатни мисол тариқасида келтирди.

Бунгача тўртта компания Қозоғистонда атом электр станцияларини қуриш бўйича ўз технологияларини таклиф қилган эди. Хитойнинг CNNC HPR1000 реактори, Россиянинг KHNP APR1000 ва APR1400 реакторлари, Россиянинг «Росатом» корпорацияси VVER-1200 реактори, Франциянинг EDF компанияси EPR1200 технологиясини таклиф қилди.

Президент Тўқаев бўлажак референдумда фуқаролар онгли қарор қабул қилишига ишонч билдирди.

Anadolu:
Астанада Осиё – Тинч океани вазири анжумани ўтди

Қозоғистон рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва бу борада тажриба алмашишга тайёр. Астана шаҳрида БМТнинг «Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси» ташкилоти томонидан ташкил этилган Осиё – Тинч океани минтақаси вазирлар анжумани ўтди.

ҚР Бош вазири матбуот хизмати хабарига кўра, анжуманда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Ўлжас Бектенов, БМТ Бош котиби ўринбосари ва комиссия ижрочи котиби Армида Салсиа Алишахбана, шунингдек, Ҳукумат раҳбарлари ва технология соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Қозоғистон Бош вазири тадбир иштирокчиларига йўллаган табрик нутқида Осиё – Тинч океани минтақасида ташкилотнинг иқтисодий тараққиёт, ижтимоий фаровонлик ва экологик барқарорликни таъминлашдаги муҳим ролини қайд этди. Унинг сўзларига кўра, ташкилот қарийб 80 йил ичида 4 миллиарддан ортиқ одамнинг ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатди.

– Қозоғистон 30 йилдан ортиқ вақтдан буён шериклик ва яхши қўшничилик руҳидаги муносабатларни изчил ривожлантиришни давом эттириб, ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Ҳамкорлик йилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захираларни бошқариш, сармоявий ҳамкорлик, савдо, энергетика ва транспорт каби энг муҳим йўналишлар ривожланди, – деди у.

Бектенов, шунингдек, анжуман иштирокчилари эътиборини бизнес ва ижтимоий соҳалар учун янги уфқларни очадиган, иқтисодий тараққиёт ва миллионлаб одамларнинг имкониятларини кенгайтиришни таъминлайдиган рақамли технологияларга қаратди.

– Куни кеча Давлат раҳбари ўз Мақтубида Қозоғистон сунъий заковат кенг қўлланиладиган, рақамли технологиялар ривожланган давлатга айланиши зарурлигини таъкидлади. Биз ушбу йўналишларни фаол ривожлантирмоқдамиз. Бугунги кунда мамлакат дунёнинг рақамлаштирилган 30та давлати қаторига киради ва онлайн хизматлар кўрсатиш бўйича 8-ўринни эгаллайди, – деди у.

Унинг сўзларига кўра, бугунги кунда барча давлат хизматларининг 90 фоиздан ортиғи Қозоғистон аҳолисига тезкор қурилмалар орқали тақдим этилган. Шунингдек, у Қозоғистон рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга очиқлигини ва бу борада тажриба алмашишга тайёрлигини таъкидлади.

– Биз бу соҳада тажриба ва билим алмашишга тайёрмиз. Шу муносабат билан сизларни Қозоғистонда Осиё – Тинч океани минтақасида барқарор ривожланиш учун рақамли ечимлар маркази очилишини қўллаб-қувватлайман. Унинг яратилиши самарали минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мамлакатлар ўртасидаги рақамли тенгсизликни камайтириш учун муҳим омил бўлади, – деди у.

60дан ортиқ давлатдан делегатлар иштирок этган анжуманда Осиё – Тинч океани минтақасидаги рақамли тараққиёт ҳисоботи ҳам тақдим этилди.

Trend:
Қозоғистон Сербияни Транскаспий халқаро транспорт йўлаги имкониятларини кўриб чиқишга таклиф қилди

Бу ҳақда Қозоғистон Бош вазири ўринбосари Серик Жумангарин маълум қилди. Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари таъкидлаганидек, Қозоғистон ва Сербия ўртасидаги мавжуд қонунчилик базаси мамлакатлар ўртасида ҳафтасига 14та йўловчи рейсларини амалга ошириш имконини беради.

– Қозоғистон аэропортларида "очиқ осмон" тартиби жорий қилинган. Мамлакатларимиз ўртасида бевосита ҳаво қатновининг очилиши Сербияга Европадаги транспорт марказига айланиш имконини беради, – деди Жумангарин.

Daryo:
Қозоғистонда аҳолининг 60 фоизи "зангори олов"га уланган

Қозоғистон Ҳукумати мамлакатни газлаштириш дастурини амалга оширишда давом этмоқда. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Роман Склярнинг гапларига кўра, бугунги кунда аҳолининг 60 фоизи зангори олов билан таъминланган.

Жорий йил охиригача яна 300 минг аҳолини газга улаш режалаштирилган. Режаларни амалга ошириш учун жорий йилда 1700 чакирим газ тармоқларини замонавийлаштириш учун 200 миллиард тенге ажратилди.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



Ноқонуний берилган ва фойдаланилмаётган ерлар соддалаштирилган тартибда давлатга қайтарилиши шарт. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев халққа йўллаган Мактубда ушбу масала тўхталди. Шунингдек, Президент Агрисаноат мажмуасига сармоя жалб қилиш – ўта муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

МОЛЛАР ҲАРАКАТИ НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ



Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев хизмат сафари билан Сайрам туманига бориб, ветеринария ва мол ҳаракатини назорат қилиш, туман ҳудудидagi ноқонуний қурилишларни тартибга келтириш бўйича комиссия мажлисида иштирок этди.

Туман ҳокими Арман Сабитов ушбу йўналишларда амалга оширилатган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Тадбирда чорва молларига тегишли масалалар муҳокама қилинди.

Муқаддам вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Сайрам туманида йирик мол бўрдоқлаш майдонларини очиб, ветеринария соҳасидаги муаммолар ва ноқонуний қурилишларни тартибга келтириш, озиқ-ов-

қат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан топшириқлар берган эди. Мажлисида шу топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан маълумот берилди. Унда моллар ҳаракатини назорат қилиш, мол ўғирлигини камайтириш мақсадида учта кишлоқ – Қорабулоқда учта, Кўлентда иккита, Орисда битта блокбекат ўрнатилгани маълум қилинди.

– Сайрам – аҳоли зич жой-

лашган, кишлоқ ҳўжалиги ривожланган туман. Гўшт маҳсулотлари ҳатто чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бўрдоқчилик соҳасидаги кўрсаткичлар ҳам юқори. Янги ташаббусларни амалга оширишда барчани ҳамжиҳатликда ишлашга чақираман, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари.

Шунингдек, Б. Тажибаев давлат тасарруфидagi ерларни ноқонуний ўзлаштириб олганлар, ноқонуний қурилиш юрифтаётганларга нисбатан қатъий чора кўрилишини таъкидлаб, бу борада аҳоли орасида тушунтириш ишларини юритиш вазифасини топширди.

СЕРМАЗМУН ДАВРА СУҲБАТИ



“Қозоғистон халқи тиллари кўни” ва “Халқаро оила кўни” муносабати билан “AMANAT” партиясининг Сайрам туман бўлими мажлислар залида туман полиция бошқармаси ташаббуси билан “Мустақкам оила – мустақкам давлат кафолати” мавзусида давра суҳбати ўтди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – оила ва никоҳнинг ижобий имижини шакллантириш, оилавий қадриятларни тарғиб қилиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини оширишдан иборат.

Давра суҳбатини “Оилаларни қўллаб-қувватлаш маркази” ДКнинг “Маслаҳатлар ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш” бўлими раҳбари, ҳуқуқшунос, полиция фахрийси Ғалим Медеуов олиб борди.

Тадбир давомида туман ПБ бошлигининг ўринбосари, по-

лиция майори Ғалимжан Қурбаналиев учрашувга махсус таклиф этилган Жибек жўли кишлоғида яшовчи 9 фарзанднинг онаси, “Алтын алқа” соҳибаси Айнура Жақиповага ташаккурнома, совғалар ва фарзандларига ўқув қуролларини топширди.

Туман таълим бўлими бош мутахассиси Фарида Ўспанова янги ўқув йили билан табриклаб, самимий тилакларини изҳор этди. Шунингдек, ички ишлар ходимлари ёшлар ва коллеж ўқувчиларини ҳуқуқбузарликларнинг оқибати бора-бора оғоҳлантирдилар.

Давра суҳбатини Сайрам туман маслаҳати депутати Мунаввар Убайдуллаева, М. Горький номидаги умумтаълим мактаби директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Райхан Алайбекова, пробақция бўлими ноизи Нуржан Тлеуов, Сайрам туман ПБнинг

хотин-қизларни зўравонликдан муҳофаза қилиш гуруҳи ноизи, полиция лейтенанти Аяжан Алихан, Сайрам туман ПБ ювенал полиция гуруҳи ноизи, полиция лейтенанти Салтанат Маханбет, Сайрам туман ПБ тарбия ишлари ва кадрлар бўйича гуруҳи ноизи, полиция капитани Аделя Сағинай, халқаро касбий медиатор Сайёра Довонова, Сайрам туман “Жамоат тотувлиги” ДККнинг мутахассиси Сайфуддин Аитов, Ишбилармон хотин-қизлар кенгашининг фаол аъзоси, “Мерейли отбасы” танлови ғолиби, хусусий тадбиркор Нурсулу Алдабергенова, Сайрам туман марказий кутубхонаси тизими ходимлари, “Жанубий Қозоғистон Саноат-Инновация коллежи” талабалари, ота-оналар, ёшлар, зиёлилар, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

3. МҮМИНЖОНОВ.

ЯЙЛОВЛАР ХАЛҚҚА ҚАЙТАРИЛАДИ

Мактубда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, бажарилиши зарур ишлар жараёни вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган мажлисида атрофлича муҳокама қилинди. Кишлоқ ҳўжалиги мақсадидаги ерларнинг майдонини кенгайтириш имконияти кўриб чиқилди. Бўш ётган ерларни давлат тасарруфига қайтариб, аҳолини яйловлар билан таъминлаш юзасидан Давлат раҳбари белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботлар тингланди.

Умуман олганда, вилоятимизда яйловларни халққа қайтариш ишлари юксак суръатда юритилмоқда. 2023 йилда яйлов тақчиллиги 2122,2 минг

гектарни ташкил қилган. Шу мақсадда умумий яйлов майдонини кенгайтириб, аҳоли манзилларидаги молларни олис ҳудудлардаги мавсумий яйловларга чиқаришни уюштириш, туманларда бўрдоқчилик ва оилавий сутчилик фермаларини кўпайтириш ишлари олиб борилди. Натижада аҳоли манзиллари 1,3 млн. гектар умумий яйлов билан таъминланди.

2024 йилда вилоятда яйлов тақчиллиги камайиб, 608 минг гектарни ташкил қилди. Ҳозирги кунда Туркестон вилоятида умумий яйлов майдони (7та тоифа бўйича) 8 млн. 850 минг гектардан ошади. Ҳўжалик юритувчи корхоналар учун яй-

ловлар етарли. Асосий масала – чорвага зарур умумий яйлов тақчиллигида.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди масаланинг ҳал этилиши қатъий назорат остида эканлигини таъкидлади. Чорвачилик ҳисобидан кун кечиратган кишлоқ аҳолисига тегишли яйлов масаласи юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Умуман, вилоятда чорвачилик кўрсаткичлари ижобий ўсишни кўрсатган бўлишига қарамай, яйлов тақчиллиги мавжуд. Муаммони бартараф этиш учун жорий йилда яйловлар майдонини 304 минг гектарга кўпайтириш зарур.

»» Президент Мактуби – амал дастури



ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛОВЧИ ҲУЖЖАТ

ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг жорий йилги Мактуби аҳоли томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда.

ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти ҳамда вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг Туркестон шаҳридаги Ҳамза номли мактабда ўтган фаоллар йиғилишида Мактубда қайд этилган

асосий вазифалар энг аввало, халқ манфаати учун хизмат қилиши эътироф этилди. Икромжон Ҳошимжонов, Баҳодир Ирисметов, Бахтиёр Шомуродов, Зуппархон Чолдонов, Райимжон Қўчқоров, Раҳим Иброҳимов каби фаоллар ўз нуқтаида Мактубдаги вазифалар ҳар бир қозоғистонлик

учун ҳаётий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаб, унинг ижросини таъминлашга барча қозоғистонликлар ҳисса қўшиши даркорлигини таъкидлади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа. Муҳаммадjon БОБОЕВ суратга олган.

»» Президент Мактуби – амал дастури



Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаевнинг “Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” номли жорий йилги Мактубида қўллаб масалалар қамралди. Жумладан, унда касбий таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, техник ва касб-ҳунар таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлиги таъкидланди.

МЕҲНАТ – БОЙЛИК КАЛИТИ

Шу мақсадда 2025 йил – “Ички касблар йили” деб эълон қилинди. Бу ташаббус жамиятимизда меҳнатсеварлик ва касбий маҳорат ғоясини кенг тарғиб қилишга хизмат қилади.

“Меҳнат – бойлик калити” деб бежиз айтилмаган. Жамиятимизда ҳалол меҳнат албатта кадрланади, деган тушунча шаклланиши зарур. Фуқароларга фахрий унвонлар бериш ҳам ушбу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бундай мукофотлар аввалроқ ўқитувчилар, шифокорлар ва маданият арбоблари учун жорий қилинган эди. Бу жуда яхши ташаббус ва бундай ёндашувини янада кенгроқ қўллаш жоиз.

Ўрни келганда айтиш жоиз,

бир вақтлар ўзбек этномаданият бирлашмалари қошида миллий хўнарамдчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилар, байрамларда халқ орасидан чиққан кулчилик, каштачилик, заргарлик кўргазмалари уюштирилган эди. Эндиликда бу масала назардан четда қолиб, аждоқларимизнинг хўнарамдчилик соҳасидаги мероси унут бўлмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, жамиятимизда меҳнат одамига эътибор ва ҳурматни кучайтирсак, бу албатта, ўз самарасини беради.

Холиддин МУҲИДДИНОВ,
“Сайрам туман диспетчерлик маркази” МЧБ директори.

ҚАҲРАМОН НОМИДАГИ СИНФ

Жорий йилда Қозоғистон полицияси ташкил топганига 32 йил тўлди. Шу муносабат билан Жетисай шаҳридаги 1-сонли М. Горький номи мактаб-гимназиясида мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида аҳоли осойишталигини сақлашда фидойилик кўрсатган ва ички ишлар органларида хизмат қилиш вақтида ҳалок бўлган полиция полковниги Абдиғаппар Серикбаев номидаги “Полиция синфи” очилди.

Тақдирот маросимида Жетисай тумани ҳокими Серик Мамитов, вилоят ПДнинг тарбия ва кадрлар иши бошқармаси бошлиғи, полиция полковниги Мақсат Асқаров, туман таълим



бўлими раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Шўҳан Адайбеков, вилоят ички ишлар идоралари ҳамда Миллий гвардия фахрийлар кенгаши раиси Жанадил Қўмарбеков, туман полиция бўлими бошлиғи Адил-

бек Сапарбеков, туман маслаҳати девони раҳбари Саен Дўсимов, фахрийлар кенгаши раиси Айтбай Маханбет ҳамда Абдиғаппар Серикбаевнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари иштирок этди.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ҚАДРДОН МАКТАБДА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ



Ярим аср муқаддам, 1974 йилда Туркистон шаҳридаги Алматы темирўлига қарашли 387-сонли Некрасов номи мактабни тамомлаган эдик. Янги ўқув йили арафасида Россия, Ўзбекистон, АҚШ ҳамда Қозоғистоннинг барча минтақаларида истиқомат қилаётган собиқ битирувчиларни учрашуга чорладик. Учрашувда 36 нафар собиқ битирувчи иштирок этди.

Америкадаги синфдошларимиз билан онлайн мулоқотда бўлдик. Мактаб директори Марина Таукебаева бизни кутиб олиб, самимий тилакларини изҳор қилди. Уч кун давомида Туркистоннинг диққатга сазовор жойлари – Ҳазрат Яссавий мақбараси, Утрор кичик туманидаги янги шаҳар биноларини томоша қилдик. Таассуротлар мўл. Тадбиркор Ғайрат Акешов

барпо этган замонавий ёпиқ сарҳовузда мириқиб чўмилган собиқ синфдошларимиз билан VERSAL тўйхонасида ёзилган дастурхондан сўнг хайрлашдик.

Камол ЙЎЛДОШЕВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Тасвирда: собиқ битирувчилар мактаб ҳовлисидаги уруш фахрийлари ёдгорлиги олдида.

ЯНГИ ИҚОНДАГИ БЕШИНЧИ ЯНГИ МАКТАБ

Янги Иқон қишлоғида ҳисоб бўйича бешинчи янги мактабнинг очилиши тантанаси ўтди. Тадбиркор Арабхон Мирзахонов барпо этган икки қаватли муҳташам мактабда бир маҳалда 577 ўқувчи сифатли билим олиши учун барча шароит муҳайё.

“Дарын-КЗ-1” замонавий таълим даргоҳига Ўсар Арабхон ўғли директор этиб тайинланди. Мактабнинг тантанали очилиши маросимида Саврон тумани ҳокими ўринбосари Бахтжан Букебаев сўзга чиқиб, ота-оналар ва ўқувчиларни шодиёна билан муборакбод этди.



Тадбирда Саврон туман таълим бошқармаси раҳбари Ақмарал Батирбекова, Янги Иқон қишлоғи ҳокими ўринбосари Бауржан Исаев, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди. Айни пайтда янги мактабда 1-6-синфларда жами 240 ўқувчи таълим ола бошлади. Барча қулайликларга эга, замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт зали ва сарҳовуз ҳам мавжуд янги мактаб ўқувчилари ўқишда аъло, интизомда намуна бўлишига ишончимиз қомил.

Ўсар НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Янги Иқон қишлоқ
ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



ЗИЁРАТ ҚАБУЛ БЎЛСИН!



Яқинда азим Тошкент шаҳридан бир гуруҳ шифокорлар қадимий ва навқирон Туркистон шаҳрига зиёратга келдилар.

Таниқли шифокор Раиса Бобожон қизи мининг шифокор ва ҳамширалари буюк боташиқиди. 2000 йилда Тошкент шаҳар 5-шифононасининг асаб-хасталиклари бўли-

ларидаги Уккоша ота қудуғи, Қарноқ қишлоғидаги Шомуҳаммад эшон мадрасаси, Эски Иқон қишлоғидаги Ошиқ Юсуф мажмуасига ҳам саёҳат уюштиришди.

Шу ўринда меҳмон-

ларни чиройли кутиб олган «Royal grand» меҳмонхонаси ходимлари ва шахсан директори Фарҳод Акешовдан зиёратчиларни миннатдор эканлигини таъкидлагимиз келди.

С. ТУРСУМЕТОВ.

»» Олий таълим заҳматқашлари

ИЛМ-ФАНДАГИ ИБРАТЛИ ҲАЁТ



Зиёли деган сўзнинг юки оғир, зеро, уни ҳамма ҳам кўтара олмайди. Бу номга мард, матонатли, ҳалол шахсларгина муносиб бўла олади. Педагогика фанлари доктори, профессор, академик Есенгелди Медеуов ана шундай заҳматқаш зиёлилардан биридир.

Ҳаёт – кураш, инсоннинг умр йўли – доимий изланишдир. Педагогика соҳасига залворли ҳисса қўшган, бир қанча олий ўқув юртларининг ректори, ҚР Таълим ва фан вазирининг биринчи ўринбосари вазифаларида самарали хизмат қилган Есенгелди Медеуов шу кунларда қутлуғ саксон ёшлари қарши олмақда.

У 1998 йили М. Аuezov номидаги Жанубий Қозоғистон гуманитар университети ректори этиб тайинланган эди. 2000 йили университет Қозоқ кимё-технология университети билан бирлаштирилган, Есенгелди Умиржанули танлов асосида ректор этиб қайта сайланди. Бу йиллар Қозоғистон иқтисодиёти учун оғир даврлар эди. Малакали раҳбар келажак авлоднинг вояга етказишда муҳим масалага катта эътибор қаратди. Нуфузли олий ўқув юртининг раҳбари сифатида у миллий урф-одат, аънава ва тарихни ўрганишни бош вазифа деб билди.

Қанча йиллар отса-да, М. Аuezov номидаги Жанубий Қозоғистон университети профессор-ўқитувчилари Есенгелди Умиржанулини эзгулик нурини таратган моҳир раҳбар сифатида эслашди. Унинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, кафедра

мудирини ёки факультет декани этиб тайинланаётган шахсни жамоа билан маслаҳатлашиб, сўнг лавозимга тайинларди.

У ўша даврда миллий тарбия ва халқ педагогикаси уйғунлиги орқали амалга оширилган таълим-тарбиянинг илдирилган чуқур боришини онгимизга сингирди олди. Университет илмий кенгаши ва бошқа жойларда вужудга келган долзарб масалаларни дадил ҳал қиларди.

Бўлатбек ТИЛЕУБЕРДИЕВ,
М. Аuezov номидаги
Жанубий Қозоғистон
университети профессори,
филология
фанлари доктори.

»» Яхшилар ёди

ТЎЛАНБОЙ ОТА ХОТИРЛАНДИ



Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги “Дехқон ота” чойхонасида ўтган учрашув меҳнат фахрийси, моҳир қассоб Тўланбой ота Туроббоев (тасвирда) хотирасига бағишланди.



Тадбир аввалида таниқли суҳандон Абубакир Хонхўжаев учрашув иштирокчиларини унинг ҳаёт йўли билан таништирди. Тўланбой ота 1934 йили 22 февралда туғилган. Болалиги машум уруш йилларига тўғри келган. Шунинг учун у меҳнат таъмини эрта тотиб, қийинчиликда вояга етди. Отаҳон меҳнат фаолиятини Сайрам таъмирлаш-механика заводида ишчиликдан бошлаб, сўнг Сайрам туман сув хужалиги идорасида ишлаган. Сайрамликлар эса уни кўпроқ қассоб сифатида яхши эслашди.

Тўланбой ота рафикаси Мунаввар ая Ҳошим қизи билан 4 ўғил, 6 қизни тарбиялаб, вояга етка-

зишган. Фарзандлари ва неваралари ҳаётда ўз ўринларини топишган. У 2005 йили 15 апрелда вафот этган. Отаҳоннинг фарзанди Муродвой Туроббоев мазкур тадбирга ташаббускор бўлган падари бузуқворининг улфатлари Ирисали Маҳкамбоев, Тўланбой Темиршиқов, Турсунхўжа Хонхўжаев ва Турсунхон Холмуродовларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Шунингдек, Қозоғистоннинг фахрий қурувчиси, ҚРнинг, Шимкент шаҳри ва Сайрам туманининг фахрий фуқароси, “Қўрмет”, “Шапағат” ордени соҳиби Низомхон Сулаймонов, таниқли тадбиркор Миргани Маҳ-

камбоев, фахрий устоз Баҳодир Нуралиевлар Т. Туроббоев ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Таниқли хонанда Қосимбой Абдураимовнинг ватан, ота-она, бурч ва садоқат ҳақидаги кўшиқлари даврага файз киритди.

Тўланбой ота каби эл раўнақи йўлида хизмат қилган меҳнат фахрийларини хотирлаш, уларни эъзозлаш ва эҳтиром кўрсатиш – бугунги авлоднинг бурчи. Мана шундай тадбирлар ёш авлодни юксак аънавалар руҳида тарбиялашда муҳим омилдир.

З. МҮМИНЖОНОВ.
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Хотира – муқаддас

ЭРГАШ ОТАНИ ЁДГА ОЛИБ



Сўзоқ туманида истиқомат қилувчи савоқпарвар инсон, фаол жамоатчи Эргаш Жўрабев ўғли (тасвирда) 84 ёшида оламдан ўтди.

Э. Жўртонов 1940 йили 15 августда Сўзоқ қишлоғида таваллуд топди. Сталин номи мактабни тамомлаб, Совет армияси сафида хизмат қилди. Тажрибали ҳайдовчи сифатида Туркистонда, Сўзоқ тумани алоқа бўлимида самарали меҳнат қилиб, Қозоғистон алоқа вазирлиги, вилоят алоқачилар қасаба уюшмасининг кўкрак нишони ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Қозоғистон халқи Ассамблеясидаги фаолияти доирасида жамоат ишларидаги хобис хизматлари учун “Жамоат фидойиси” медали билан тақдирланган.

Умр йўлдоши, қаҳрамон она Тиништиқ Рисдаветова билан қобил фарзандлар – Шавкат, Нигора, Шухрат, Гули, Хайрулла, Улуғбек, Шахло, Уйғунларни тарбиялаб, вояга етказган. Ўғил-қизлари турли соҳаларда фаолият юритиб, элда эъзоз топган инсонлар. Жами 23 неварга, 5 чеваранинг суюкли бобоси бўлган Эргаш Жўрабев ўғли она тилимизда давлатимиз сиёсатини тарғиб этаётган “Жанубий Қозоғистон” газетасига барча фарзандларини обуна қилдирган хомий эди.

Ҳимматли ва ибратли инсон Эргаш Жўрабев ўғлининг охирати обод бўлсин!

Муҳаммадхон БОБОЕВ,
Сўзоқ туман ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси.

ТОШКЕНТ ДЎСТЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ



Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев халқаро анжуманда Марказий Осиё давлатларини бирлаштиришни тақдир қилмоқда. У минтақа қудратини фақат ҳамкорликдаги саясий-ҳаракатлар билан тиклаш мумкинлигини таъкидлади. Давлат раҳбари мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятда мудофаа сиёсати соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида аҳамият қаратмоқда. Шунингдек, Марказий Осиёнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти кўчманчи ва ўтқоч турмуш тарзининг бирлашиши натижасида шаклланишини таъкидлади. Минтақа аҳолиси асрлар давомида ўзига хослигини сақлаган ҳолда бошқа тамаддунлар билан уйғун алоқада бўлиб келган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда “Ягона минтақавий бозор” яратишни тақдир қилмоқда. У Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида сўзлаган нутқида иқтисодий ҳамкорликни узоқ муддатли ривожлантириш учун янги омилларни топиш зарурлигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, мамлакатларимиз савдо ҳамкорлигидаги миллий иқтисодиётлар эса бир-бирини тўлдирди. Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, айни пайтда таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги умумий савдо айланмаси кутилган даражада эмас. Марказий Осиёда тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш йўлида ҳамон тўсиқлар мавжуд.

ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатларининг ташаббусларини амалга оширишда тезкор шижоат ва фаоллик кўрсатди. Ва бу ташаббус ўз вақтида бўлди. Уни Марказий Осиё журналистлари анжуманига ташриф буюрган Марказий Осиё давлатлари вакиллари қўллаб-қувватлади.

МАКТАБ ФИДОЙИСИ



Инсоннинг мустақил ва етук шахс сифатида камол топишида мактабнинг аҳамияти бебаҳо. Айнан илм масканида инсоннинг “мен”и шаклланади. Шунинг ўзи мазкур соҳада фаолият юритаётган ҳар бир муаллимнинг олдида улкан масъулият, яъни, шахс тақдирини орқали миллат, давлат ва келажакимизнинг тақдирини масъулият мужассамлигини англатади. Фидойилик ҳар бир касб эгаларида мужассам бўладиган ноёб неъмат. Ҳуқуқчилик ва фидойилик тушунчалари доим ҳаммаган. Ўзда фидойилик шакланган шахс жамиятда ҳам, жамоада ҳам юксак мавқега эга.

Тўйхон Каримтоев (тасвирда) ана шундай обрў-эътиборга, ҳурмату иззатга лойиқ устоз-мураббийлардан бири.

Мана, салкам 35 йилдирки, у Қорабулоқ қишлоғидаги Фуқат номи ўрта мактабда касбига садоқати, ўқувчиларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати билан нафақат қишлоқда, балки туманда кўзга кўринган маориф ходими.

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда ўзи таълим олган илм масканида бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаган Тўйхон Каримтоев 2001 йилнинг кузида тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари этиб тайинланди. Қарийб 23 йилдирки, ўқувчилар тарбияси билан машғул.

У ҳар бир болага самимий муносабати, юксак муомала маданияти, бой маънавияти, ўз касбига бўлган юксак масъулияти туфайли жамоада “Мактаб фидойиси” деган номга сазовор. Мактабда бошланғич синфдан тортиб, то битирувчи синф ўқувчиларига барчаси Тўйхон Каримтоевнинг ўзларининг биринчи ўқитувчилари ва синф раҳбарларидай яхши кўриб, ҳурмат қилишади.

Тўйхон Каримтоев мактабда мактаб ва оила ҳамкорлигини ҳам яхши йўлга қўйган. Унинг ота-оналар билан “Фарзанд тарбиясида ота-онанинг вазифаси”, “Фарзандлар – келажак пойдевори”, “Қуш уясида кўрганини қилади” каби суҳбатлари улкан аҳамият касб этганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Тўйхон Каримтоев оилада ҳам меҳрибон ота, вафоли ёр ва суюкли бобо. Турмуш ўртоғи Муҳаббат Каримтоева олий тоифали бошланғич синф муаллимаси. Тўнғич қизлари Интизор ҳам ота-оналари изларидан бориб, ўқитувчилик касбини танлаган. Ўғиллари Наврўзбек Сайрам тиббиёт билим юртининг 4-босқич талабаси.

Т. Каримтоевнинг ўқитувчилик фаолиятидаги хизматлари туман, вилоят, республика миқёсида юксак баҳолини, қатор фахрий ёрликлар, ташаккурномалар билан тақдирланган. У “Қозоғистонда хизмат кўрсатган маориф ходими” кўкрак нишони соҳиб.

200дан зиёд устоз-мураббийлар, мингдан зиёд ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан фидокорона, юксак маданият ва масъулиятни ҳис этган ҳолда фаолият юритаётган ҳамкасбимизга мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, машаққатли фаолиятида сабот ва матонат тилаймиз.

Сайёра ЗИЁБЕКОВА,
Сайрам тумани.



Жорий йил август ойида Ўзбекистонда халқаро тадбир ўтди. ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази (ШХТ ХДМ) Ўзбекистон Миллий медиа ҳамжамияти билан ҳамкорликда журналистлар ва ёш мутахассислар учун “Ёш журналистлар” медиа-сессиясини ўтказди.

це-президенти Динара Жумабаева (Қирғизистон) раислик қилди. Халқаро ҳамдўстликнинг халқ дипломатияси президенти, халқаро-публицист Бахит Рустемов (Қозоғистон) “Минтақавий ўзига хосликни мустақ-

лан, шоир Олеся Цай шундай ёзади:

“...Адабиёт умуминсоний кадрларни умумлаштиради, шу тариқа умумий алоқа нуқталарини топиш имконини беради. Шу боис турли адабий танловларда иштирок этман. Адабиёт зўравонлиқсиз дипломатиянинг ажойиб шаклидир. Бутун дунёни севги, гўзаллик ва санъат кутқаради...”.

Шоир Шерзод Ортиқов шундай ёзади:

“... Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси томонидан Қозоғистон Абу Наср Ал-Фаробий таваллудининг 1155 йиллигига бағишланган “Литературная Азия-2024” III Халқаро адабий танлови якунига бағишланган тадбир ўтди. Ёзувчилар уюммаси раиси ўринбосари Минхожиддин Мирзо, халқаро алоқалар бўлими ҳамда шоир ва ёзувчилар иштирок этди. Фолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида бош совринга эга бўлдим. Ал-Фаробий номидаги олтин медал топширилди. Шунингдек, ёзувчи ва шоирлар Галина Долгая, Лейла Шейназарова, Олеся Цай ва Рифат Гумеров 1, 2, 3 даражали дипломлар билан тақдирланди.”

Тадбирдан кўзланган мақсад



Мақсад – журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, ШХТ мамлакатлари ўртасида илгор тажрибаларни ўртақлаштириш эди. Тадбир доирасида турли мамлакатлардан ташриф буюрган етакчи экспертлар иштирокида медиаиндустрия ва журналистларнинг долзарб муаммоларига бағишланган маҳорат сабоқлари ва семинарлар ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон МТРК Миллий медиа маркази фаолияти билан таништириш. Студия теледастур ва кўрсатувларга мос замонавий жиҳозланган. Сўнг тадбир иштирокчилари “Жадидлар. Туркистонга мактуб” кўргазмасини кўздан кечирди. “Olmos Resort” дам олиш марказида Ўзбекистонлик ёш журналистлар билан ўтган учрашувда Марказий Осиёнинг таниқли журналистлари соҳага доир тажрибалари билан ўртоқлашди. Анжуманда Қо-булжон Собировнинг мазмуни ва долзарб маърузаси: “Халқ дипломатияси ва диний бағрикенглик – халқаро мулоқотнинг самарали воситаси: Янги Ўзбекистон таърихи” тингланди.

Марказий Осиё журналистлари билан “Марказий Осиё овози: миллий макондан минтақавий маконга” мавзусидаги давра суҳбати ҳам мазмунга бой бўлди. Унда Ўзбекистон Журналистлар уюммаси раиси Холмурод Салимов ҳамда Журналистика ва оммавий алоқалар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжа сўзга чиқди.

Тадбирга Ч. Айтматов номидаги Иссиқкўл анжумани ви-

камлашда журналистиканинг ўрни мавзусида, телебошловчи, “ЭЛТР” ГТРК “Маданият” бўлими муҳаррири Аида Шекенова (Қирғизистон) “Марказий Осиё

ри Дамиля Тасмағамбетова (Россия); Қирғизистон ва Россия Федерациясида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ч. Айтматов номидаги Иссиқкўл анжумани бош котиби Ассоль Молдокматова (Қирғизистон); “Қирғизистон дипломатияси” ЖТ матбуот котиби Алмаз Баитов (Қирғизистон); Ўзбекис-



маданий мероси” мавзусида маъруза қилдилар.

“Гулакандоз” телеканали директори, Сўғд вилояти Ўзбек маънавияти ва маърифат маркази фаоли Муроджон Вайдуллоев (Тожикистон) “Замонавий дунёда босма журналистикани сақлаб қолиш масаласи” мавзусида маъруза қилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори, сиёсий фанлар доктори Эйтибор Султонова (Ўзбекистон)нинг маърузаси “Марказий Осиё медиа-мамлакатларида хотин-қизлар аҳволини ёритишнинг сиёсий жиҳати, фойдаланилаётган сиёсий технологиялар” мавзусига бағишланди.

Халқаро муносабатлар бўйича эксперт, “Caravan Info” ахборот агентлиги бош муҳар-

тон Миллий университети журналистика факультети профессори, филология фанлари доктори Ёкунжон Маматова (Ўзбекистон); Нозима Мур-

това (Ўзбекистон); Мўътабар Хушвақтова (Ўзбекистон) турли мавзуларда маъруза қилишди. Бу гал эса Ўзбекистон халқ дипломатияси томонидан ташкил этилган тадбирларда қозоғистонлик журналистлари фаол иштирок этди. Хусусан, Қозоғистонда ўтказилган “Литературная Азия – 2024” III Халқаро адабий танлови ҳақида батафсил маълумот берилди. Танлов ислом фалсафаси асосчиси, дунёнинг иккинчи Аристотели ҳисобланган Ал-Фаробий таваллудининг 1155 йиллигига бағишланди. Унда 70дан ортиқ давлатдан 500дан зиёд шоир, романичи ва публицист иштирок этди.

Халқаро қозоқ адабиёти танловига иштирок этган Ўзбекистон ёзувчилари танловга юксак баҳо берди. Маса-

– жаҳон ёзувчилари ва дунё ҳамжамиятини қозоқ халқининг қадимий тарихи ва маданияти, қозоқ халқининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси билан таништиришдан иборат эди. Ўзбекистондаги ислом тамаддуни марказига ташриф ва “Ренессанс” кўргазмаси меҳмонларни ҳайратга солди. Марказ тақдиротида Туркиядан ташриф буюрган Қирғизистон халқ ёзувчиси, ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев иштирок этди.

Халқаро анжуман якунида ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази томонидан турли мамлакатлар журналистларига “Халқ дипломати” кўкрак нишони топширилди.

Бахит РУСТЕМОВ,
ёзувчи,
халқаро публицист.

»» Рухият сарҳадлари

ЕНГИЛГАН “АЖДАҲО”

Азимжон илк бор ботга борди. Кечкурун уйқудан олдин хархаша қилди:

– Ойижон, илтимос, чироқни ўчирманг, деразани орқасида кимдир қараб турибди. Кўзини кўрдим.

Шу куни чироқни ўчирмай ухлашди. Эртасига яна шу аҳвол такрорланди. Бир ой шундай давом этгач, уни руҳшуносга олиб боришди. Унга турли дорилар ёзиб беришди, лекин фойдаси бўлмади.

Мактабга борганда ота-онаси унга алоҳида хона ажратиб беришди. Энди у чироқни ўчирмай, деразани очмай ухлайдиган бўлди. Бир куни деразадан номаълум махлуқнинг қараб турганини кўрганини айтди. Уни «нафаси кучли» домлага олиб бориб ўқитишди. Лекин бу ҳам фойда бермади. Вояга етди, уйланди, лекин деразани ёпиб ухлашни қанда қилмади. Энди номаълум мавжудот тушларига эртақлардаги аждаҳо қиёфасида кира бошлади. Алаҳсираб, терга ботиб уйғонарди. Яна «нафаси кучли» домлага олиб боришди. Куф-суф қилган билан фойдаси бўлмади.

Ойлар йилларни қувиб, неварачеварали бўлди, нуфузли ташкилотда ишлади, шундай қилиб, умри поёнига етай деб қолди.

Бир куни “энди йўқотадиган ҳеч нарса йўқ”, деб деразани очиб, чироқни ўчириб ётди. Сўнг бир умрлик таъқибчисини чақирди.

– Кел келавер, инсмисан, жинсмисан, менда нима ишинг бор эди, нима учун мени бир умр таъқиб қилиб келдинг? – сўради ундан.

– Авваломбор, ассалому алейкум, дўстим, – деди овоз. – Мен сени қўллаб-қувватлаш, йўл-йўриқ учун тайинланган фаршангман. Бир умр сен билан дўстлашишга ҳаракат қилдим, лекин сен бунга монелик қилдинг. “Аждаҳо”ни енгдинг. Энди хайр!

А. АБДУФАТТОВ.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон СҲАЙДУЛЛАЕВ. +7702-278-96-90
Тулкбаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетсай, Мақтарал – Мўътабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳақида далилларни таърифи учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъул.
• Фойдаланилган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR”нинг “МБ” босмаҳонасида chop этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бирорам
2006.

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11200 нусха.

Набатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОВА.